





Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини
телефонингиз орқали сканер қилинг

ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФАТ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ТАШАББУСИНИ Қўллаб-қувватламоқда



ЮҚОРИ САЛОҲИЯТ, КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА БОЙ РЕСУРСЛАР ВОҲАСИ

Президент ташрифидан сўнг...

«Uzbekistan GTL»:

3 600 000 000
долларлик
ТАРИХИЙ ЛОЙИҲА

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон нефть-газ саноатидаги энг муҳим лойиҳалардан бири бўлган "Uzbekistan GTL" замонавий корхонасини молиялаштириш учун хорижий ҳамкорлар билан ҳужжатлар имзолаш маросими бўлиб ўтди.

БАТАН – МУҚАДДАС УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАРАФЛИ БУРЧДИР!

Куролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни ана шу ғоя асосида кенг нишонланади.



Жаҳон миқёсида турли соҳалар бўйича таҳлил ўтказиб, шулар асосида давлатларнинг рейтингларини шакллантирадиган, халқро ҳамжамият эътиборига ҳавола этадиган агентликлар, компаниялар фаолият юритиши кўпчиликка яхши маълум. Масалан, энг тез ривожланаётган, бизнесга энг кўп қўлайлик яратган, туристлар учун энг хавфсиз саналган ва бошқа шу каби унлаб мезонлар бўйича ҳар йили мамлакатлар рўйхати эълон қилиниб борилади. Бундай хабарларга нашрлар, сайтлар орқали кўзингиз тўшган бўлиши, шубҳасиз.

Халқ вакиллари — туманларда

**БОЁВУТ ВА ХОВОС
АҲОЛИСИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ**

Худудлардаги ижтимоий-иқтисодий
аҳволни ва аҳолини қийнаб келаётган
муаммоларни ўрганиш бўйича Республика
ишчи ғуруҳи аъзолари Сирдарё
вилоятининг Боёвут ҳамда Ховос
туманларида бўлиб, халқ билан мулоқотлар
ўтказди. Натижада Боёвут туманида
7 420 та, Ховос туманида эса 6 359 та
муаммо аниқланиб, уларнинг аксарияти
ҳайида ҳал этилишига эришилди.

Сессияларда мазкур бинолар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ер майдонлари ҳамда улар негизда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўрилатган чора-

Аҳоли бандлигининг таъминлаш, оилаларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши, фуқароларга муносабат сиб меҳнат шaroитларини яратиб бoрасидаги ишлар ҳoлати ҳам сессиялар куш тартибидagi eга муҳим мансалапардан бири бўлди. Бу бoрадаги ҳoлат, айниқса, Ховос туманидаги вазиятни иштирокчилар диққатини тoғратди. Туманда меҳнатга лаёқатли 53,8 миш нафар аҳолидан 38,6 миш нафар (71,7 фоизи) иш билан таъминланган. Статистика хисоботларида ишсизлар сони 4 400 нафар, деб қайд этилган бўлса-да, ўрганиш жараёнида уларнинг сони 15 200 нафар экани аниқланди.



ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

**Умумхитой дўстликка кўмаклашиш
ассоциацияси раиси Чэнь Чжимин
бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси
делегацияси мамлакатимизга келди.**

ган сиёсат тўғрисида маълумот берди.

Чэнь Чжимин Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона aloқалар ва яқин шериклик бarcha йўналишлар бўйича муносабатларни ривожлантиришга қўмаклашаётганини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишларга юксак баҳо берди.



Мушоҳада учун мавзу

ТИЛГА ИХТИЁРСИЗ — ЭЛГА ЭЪТИБОРСИЗ

“Ойнаи ҳар миллат эрур тил-адабиёт”.
Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг
бир шеърда аниқ шундай мисра бор.
Ҳақиқатан ҳам, тил — миллат ойнаси,
миллатнинг маъжудлик шарти. Шу боис ўзини
таниган, ўзligига эга ҳар бир миллат аниқ
тили ривожини ҳаёт-мамонт масаласи деб
билади. Тил тараққийси учун бор
имкониятини ишга солади.

Бизда тил ривожى учун хукукий асос — “Давлат тили ҳақида”-ги Қонун бор. Мазкур ҳужжат қабул қилинганидан буён ҳа- қарийб ўттиз йиллик таж- рибасиз ағамиз. Ютуқлар, шубҳасиз кўп. Она тили- мизнинг халқаро нуфузи ортиб, ҳаётнинг қўлбаб университётларида ўзбек тили бўйича алоҳида таъ- лим йўналишлари очил- гани, ҳорижий ёшлар тилимизни ўрганишига катта рағбат билдираётгани, тилимизнинг қўлланаси кўла- ми тобора кенгаётганига шулар жумласидан. Бироқ муаммолар ҳам кам эмас. Шулардан энг зарури тил ривожى — она тили тақди- ри учун куйиниш ҳисси



Ёшлар ўртасида
ижтимоий сўров

Олий маълумот олишни
хоҳлаган бўлармидингиз?



Ёшлар маъқул кўраётган
мутахассисликлар:



Сиз хусусий тадбиркормисиз?



Ёш тадбиркорлар фаолият юритаётган асосий йўналишлар:



«Ижтимоий фикр» жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази маълумотлари асосида тайёрланди.

ЮҚОРИ САЛОҲИЯТ, КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА БОЙ РЕСУРСЛАР ВОҲАСИ



Кобилжон ҒУЛОМОВ,
«Азиз агро транс фэйз» МЧЖ раиси:
— Хар гал иссиқхонага кирганимда дилим яйрайди. Бундан икки йил бурун “Муборак иссиқлик электр маркази” атрофидаги ташландик ердан 2 гектар олиб, биринчи иссиқхонани барпо этгандик. Натижа ёмон бўлмади. Кейин 2017 йил 4 гектар, 2018 йил яна 3 гектар ерда иссиқхона қуриб, майдонларимизни кенгайтирдик. Ҳозир бу ерда юздан ортиқ кишилар меҳнат қияпти. Жами 27 минг аҳоли истиқомат қиладиган икки қишлоқда хар йили 400 нафар атрофида ёшлар коллежни битиради. Уларнинг кўли шу ерга ишга киради. Юртбошимиз тавсиялари асосида фаолиятимизни янада кенгайтиришни кўнглимга тугдим.

Нурбек ЭРҒАШЕВ,
«Sulton tex group» корхонаси раҳбари:
— Давлатимиз раҳбари олдинги ташрифидан корхонамиз лойиҳаси билан тани-

шиб, уни такомиллаштириш юзасидан топшириқ ва тавсиялар берган эди. Орадан кўп ўтмай йилига 7000 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ташкил қилинди. Бу сафарги ташриф давомида Юртбошимиз маҳсулотимиз сифати ҳақида сўради ҳамда мутахассислар билан шу ҳақда фикрлашди. Чунки тўқимачилик соҳасида сифат энг муҳим омил саналади.

Дарҳақиқат, маҳсулотимиз сифати юқори. Шу боис жорий йилда 3 миллион доллар даромад кўрдик. Бу маблағларни кейинги босқичлар қурилишига йўналтирамиз. Масалан, тикув фабрикасини ишга туширсак, 700 та иш ўрни яратилади. Шунингдек, 2019 йилнинг августигача пахта тозалаш заводи фаолият бошлайди ва кўшимча 60 киши ишли бўлади. Ёр ишлаб чиқариш цехи очилган, яна 100 кишининг бандлиги таъминланади.

Булар орқали Ватанимиз раўнақига ўз хиссамизни қўиши ниятидамиз.

«Халқ сўзи» мухбири
Аҳмад МУҲАММАДИЕВ ёзиб олди.

Вилоятда жорий йилнинг 9 ойида:

ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми
15 триллион 341 миллиард сўмни
ташқил этди.

Қиймати **529,8 миллиард сўмлик 560 та,**
шу жумладан,



саноатда
50 та,



хизмат кўрсатишда
248 та,



қишлоқ хўжалиги
йўналишида
262 та лойиҳа
амалга оширилди.

10 триллион 807 миллиард сўмга
яқин инвестиция ўзлаштирилди.

2239 та янги кичик бизнес
субъекти ташкил этилди ва
уларнинг жами сони
16794 тага етди.

16 та қўшма корхона
фаолият бошлади ва
уларнинг сони
74 тага етди.

САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА БЎЛАДИ



Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида яқин истиқболда атом энергетикасига эга бўламиз.
Шу маънода барпо этиладиган АЭС хавфсизлигини таъминлаш гоятда зарур.
Бу борада эса давлат сиёсатини юритадиган яхлит ва тегишли мақомга эга идорага эҳтиёж туғилди.

Президентимизнинг “Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, Вази́рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончилда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси ва унинг минтақавий инспекциялари негизида Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилгани эътиборга моликдир.

Бу эса саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳаларида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда самарали давлат назоратини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Қўмита атом энергетикаси ҳамда

ядро технологиялари объектларида радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги соҳаларида ягона давлат сиёсатини юритиш ишларини мувофиқлаштириб, назоратни амалга оширади. Қолаверса, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида лицензиялаш, саноат хавфсизлигини экспертиза ва аккредитациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириб бориш каби вазифаларни бажаради.

Фармонда янги ташкил этиладиган қўмита билан боғлиқ қатор ташкилий масалалар, жумладан, қўмита ваколатлари, молиялаштириш манбалари, қолаверса, унинг раҳбари ўз ҳодимларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга қўйиш тўғрисида илтимоснома тақдим қила оладиган рўйхатга киритилиши каби жиҳатлар акс этган.

Президентимиз томонидан яқинда имзоланган яна бир муҳим ҳужжат — “Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қароридан янги қўмитанинг ташкилий тузилмаси ва штатлар бйрилиги, унинг қайси манзилда жойлашиши, фаолият юритиши учун яратиб берилиши зарур бўлган барча шарт-шароит ўз ифодасини топган.

Ташкилий тузилма ҳақида гапирганда, битта муҳим ўзгаришни айтиб ўтиш лозим. Қўмита таркибида Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган, бошқарув ҳодимларининг умумий чекланган сони 71 нафардан иборат Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти тузилмоқда.

Ушбу департаментнинг асосий вазифаси атом электр станциясининг қурилиши, фойдаланишга топширилиши ва ишга тушгандан кейинги жараёнларда хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Шунингдек, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳам юқлатилган.

Қисқаси, атом электр станциясини қуриш, ундан фойдаланиш жараёнларида таваккалчиликка умуман йўл қўйиб бўлмайди. Шундай экан, амалиётга таъбиқ этилган хар икки ҳужжат мазмун-моҳияти ва ўз вақтида қабул қилинганлиги билан гоятда аҳамиятлидир. Зеро, хавфсизлик масаласи ҳеч қачон долзарблигини йўқотмаган.

Бош прокуратура ҳузуридаги
Ахборот-таҳлил
мультимедиа маркази
материаллари асосида
Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

“Uzbekistan GTL”: 3 600 000 000 долларлик ТАРИХИЙ ЛОЙИҲА



Президентимиз ўтган ҳафтада Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида ушбу мажмуада олиб борилаётган ишлар билан танишар экан, уни “1 миллиард долларлик импорт ўрнини тўлдирадиган тарихий лойиҳа”, дея таърифлади.

Чиндан ҳам, “Uzbekistan GTL” кўлами жиҳатидан гоятда улкан бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 3,6 миллиард АҚШ долларига тенг. Шундан 2,3 миллиард АҚШ доллари Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия ва Европа давлатларининг ўн битта молия институтини, шунингдек, чет эллик инвесторлар томонидан молиялаштирилмоқда. Бу Ўзбекистон, айниқса, нефть-газ саноатининг инвестициявий жозибдорлиги ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, Ғузур туманида бунёд этилаётган ушбу корхонага чет эллик инвесторларнинг қизиқиши юқорилиги бежиз эмас, албатта. Чунки бундай лойиҳалар нефть-газ саноатида ноёб ҳисобланади. Шу пайтга қадар “газдан суяқлик” технологиясига асосланган замонавий заводлар дунёнинг атиги бешта давлатида барпо этилган ҳолос.

— Юқори технологияли мазкур завод ишга туширилган, иккита муҳим масала ўз ечимини топади, — дейди “Ўзбекнефтегаз” АЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Баҳром Ашрафонов. — Аввало, табиий газни ўзимизда чуқур қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади, қолаверса, синтетик ёнғили ишлаб чиқариш эвазига углеводород ҳам ашёси импорти кескин қамаяди. Негаки, янги мажмуада йилига 3,6 миллиард куб метр газ чуқур қайта ишланиб, “Евро-5” стандартига тўла жавоб берадиган

1,5 миллион тонна синтетик суюқ ёнғили ишлаб чиқарилади. Бунинг учун Япония, Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ, Германия, Италия, Хитой, Россия каби жаҳоннинг 21 давлатида ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги 11 мингдан ортиқ технологик ускуналар олиб келиниб ўрнатилади.

Айни пайтда 135 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган мажмуада қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бош пудратчи — Корея Республикасининг “Hyundai Engineering Co. Ltd.” ва “Hyundai Engineering and Construction Co., Ltd”, Сингапурнинг “Enter Engineering Pte. Ltd.” компаниялари саъй-ҳаракатлари билан бунёдкорлик юмушларининг 60 фоизи удаланди. Келгуси йилда қурилиш ишларининг қолган қисми бажарилиб, завод 2020 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

“Uzbekistan GTL” корхонаси саноатимиз учун янги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш, экспорт салоҳиятини оширишда янги имкониятлар эшигини очибди билан янада аҳамиятлидир. Буни тасаввур қилиш учун йилига импорт ўрнини босувчи 311 минг тонна авиакеросин, 743 минг тонна дизель ёнғилиси, шунингдек, 431 минг тонна нафта, 53 минг тонна суялтирилган газ ишлаб чиқарилишини айтиш қийон, назаримизда. Биргина авиакеросинни оладиган бўлсак, назаримизда ушбу ёнғилига бўлган ички эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш, балки экспорт қилиш учун ҳам етарлидир.

Тадбирда қайд этилганидек, мазкур лойиҳа келгусида нефть-газ саноатида шу каби йирик тегишлар барпо қилишда янада маънавий вазифасини ҳам ўтайди.

Сайд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОЁВУТ ВА ХОВОС АҲОЛИСINI ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ



Сессияларда ҳудудларда аҳолиға коммунал хизмат кўрсатиш ҳолати ҳам танқидий кўриб чиқилди. Ушбу масалаларни сифатли ва ўз вақтида хал қилиш, аҳолини ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялаш, тўлов маданиятини юксалтириш каби масалалар долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга

ошириш юзасидан олиб бориладиган ўрганишлар ҳамда улар ечими бўйича илгари сурилган таклифлар ҳам сессияларда атрофлича таҳлил қилинди. Қайд этилишича, Ховос туманининг Янгиер маҳалласидаги Зарнигор, Умид ниҳоллари, Чинобод, Олтин диёр, Сайилгоҳ, Ифтихор, Висол, Осиё, Табиат ва Нурфайз кўчаларида истиқомат қилувчи аҳоли ичимлик суви билан таъминланмаган. Шарқобод, Хуснобод, Қаҳрамон маҳаллалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Натижада мазкур ҳудудлар аҳолиси сувини қўшни маҳаллалардан ташиб

ицади. Айрим маҳаллалар, масалан, Обод турмуш маҳалласининг Қаноат, Ёшлик, Чорвадор ва Машъал кўчалари аҳолиси табиий газ билан таъминланмагани боис улар совуқ кунлари машаққат билан ҳаёт кечиришга мажбур бўлмоқда.

Сессияларда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов иштирок этди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТИЛГА ИХТИЁРСИЗ — ЭЛГА ЭЪТИБОРСИЗ



Очиги, тилимиз кўмакка, ҳимояга муҳтож. Бу, авваламбор, хар биримизнинг она тилимизга бўлган муҳаббатимиз, ҳурматимизнинг нақадар юксаклигидан келиб чиқади.

Келинг, шу ўринда, пойтахтимиз марказидаги манзарага назар ташлайлик. “Пойтахт” савдо марказига кирайинг, ўзбек тилидан бошқа тиллардаги ва ўзга ёзувдаги атамаларга, номланишларга, рекламаларга кўзингиз тушади. Агар давлат тилини ҳурмат қилсангиз, “Нега бундай?” деган савол туғилиши табиий.

Савдо марказидан чиқиб, тўрт томонга қарасангиз яна шундай аҳвол: ўзбек тилидаги ёзувларни қидириб топширингиз осон эмас. Зеро, қонунда хар қандай атамалар, номланишлар, реклама матнлари давлат тилида кўрсатилиши белгиланган бўлиши.

Бу ҳам ўз йўлига. “Ойнаи жаҳон”ни томоша қилаётганингизда адабий тил қоидаларига риоя этилмаслиқнинг ачинарли ҳолатларидан афсус чекасиз: “ашатда”, “машатда”, “девобман”, “кевобман”, “бунчоқ”... Қўшиқ тинглагингиз келса, ўзбекча ва ажнабийча “жаргонлар” лугатини қидириб қолсангиз ажаб эмас. Алмай-алжайи сўзлар тизмаси меъдангиз-

га тегади. Баъзан, албатта, ҳамма жойда эмас, бирор маълумот оломқчи бўлсангиз, айрим давлат идораларида бошқа тилда тақдим этилаётгани ҳам бор гап.

Тил яхлитлиги — миллиятни бирлаштиради. Буюк гоғлар сари илҳомлантиради. Рухий яқинлиқни, ҳамкорликни бунёд этади.

Шу боис тилимиз тилшунослик илмининг миллий негизидан изчил ривожлантирилса, нур устига нур. Бу борада муваффақиятлар бор, бироқ улар қийон қиларли эмас. Миллий тилшунослик хорижий терминлар гирдобиде қолаётган ҳоллар, афсуски, учраб турибди. Ўзбек тилшунослигига оид базий тадқиқотларни ўзбек тилига таржима қилиш зарурати борлиги бунинг исботидир. Шунингдек, замонавий техника-технологиялар ва тилнинг ўзаро тенг таъсир асосида тараққий этиши жуда муҳимдир. Дунёни ахборот бошқараётган бугунги даврда она тилимизни ҳануз компьютер технологиялари тилига айлантира олмаганимиз, айниқса, ачинарли. Миллий адабий тилда яратилган адабиётнинг раўнақи ҳам бу ўринда устувор аҳамият касб этади. Шўқри, бу борада салмоқли ютуқларга эгамиз. Аммо уларни жаҳон адабиёти даражасига кўтариш, чет тилларига таржи-

ма қилиш борасидаги ишлардан кўнгли тўлмайди. Айтиш жоизки, бизнинг тилимиз туркий халқларга хос бўлган барча — қарлук, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларини ўзида муҳассас этади. Бироқ шевалардаги энг нодир бойлиқларимиз — сўзларимиз тобора унутлиб бораёпти. Шеваларни тадқиқ этиб, адабий тил бойлигига айлантириши зарур бўлган диалектология соҳасида эътиборга лойиқ илмий ишлар қилинмаёпти.

Бир пайтлар Вази́рлар Маҳкамаси ҳузурида Атамалар қўмитаси фаолият юритган. Жой номлари, янги ташкилотлар ва муассасалар номлари, она тилимизга тараққий тақозоси ўлароқ, қириб келаётган янги атамаларни, тил амалиёти билан боғлиқ бошқа масалаларни тартибга солган, хал этган. Бугун ҳам икром ҳокимияти ҳузурида ана шундай кўми-тага катта эҳтиёж мавжуд.

Биз муастакл тараққийнинг йиғирма саккизинчи йилидамиз. Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига эса, юқорида айтганимиздек, қарийб ўттиз йил бўляпти. Бу жуда катта муҳлат бўлмаса-да, кичик ҳам эмас. Ютуқлар ўзимизники. Қамчилликларимизни бартараф этиш эса она элимиз, она тилимиз олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари
доктори, профессор.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ



Учрашувда 2019 йилга мўлжалланган ҳамкорлик, унинг доирасида кибрхавфсизлик соҳасида экспертлар алмашиб, халқ дипломатияси ва жамиятда миллатлараро тотувлиқни таъминлаш бўйича малака оширишини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент вилояти ҳокими Ғ. Ибрагимов билан учрашувда “Бир макон, бир йўл” лойиҳаи доирасида ҳамкорликда яратилаётган янги имкониятлар юзасидан фикр алмашилди.

Чань Чжунмин Тошкент вилояти Буюк Ипак йўли шаҳарлари уюшмасига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинганлигини таъкидлади. Ушбу уюшма Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган 43 хорижий шаҳар ва вилоят ҳамда Хитойнинг 6 шаҳридан иборат. Вилот раҳбариятига тегишли сертификат топширилди.

Тошкент шаҳри ҳокимлигида бўлиб ўтган мулоқотда биродар шаҳарлар — Тошкент ва Шанхай ўртасида 25 йилдан бун давом этаётган муваффақиятли ҳамкорлик хусусида сўз юритилди. Ушбу санани нишонлаш доирасида қатор маданий тадбирлар уюштириш режалаштирилган. Тошкент шаҳар ҳокимлигига ҳам Буюк Ипак йўли шаҳарлари уюшмасининг сертификати топширилди. Икки томонлама ҳамкорлик масалалари ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Давлат бошқаруви академияси ректори Р. Қосимов билан учрашди. Дўстона мулоқотда Ўзбекистон билан Хитой муносабатларининг тарихий илidlзлари, бугунги ҳолати ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

СОЛИҚ КОНЦЕПЦИЯСИ: ЯНГИЛАНАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ЛОКОМОТИВИ

Талқин

Давлатимиз раҳбари Конституциянинг қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида иқтисодийётни жадал ривожлантириш, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш учун Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинганини алоҳида қайд этди.

Дарҳақиқат, мазкур концепция иқтисодийётимиз раўнақи, республикамизда тадбиркорлик ҳамда инвестициявий муҳит яхшилланишида, фуқаролар ҳаёти янада фаровонлашувида катта аҳамиятга эга.

Эркин ГАДОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари:



— Солиқ концепциясида кўзда тутилган асосий ўзгаришлар, аввало, солиқ юкини кескин қисқартиришда намоён бўлади. Масалан, жисмоний шахслар учун бугунги кунда амалда бўлган даромадлар даражасига қараб белгиланган 7,5 фоиздан 22,5 фоизгача солиқ ўрнига битта — 12 фоизлик солиқ ставкаси

қиритилди. Иш ҳақидан олинадиган 8 фоизлик сўғурта бадали бор эди. Бу ҳам бекор қилинди. Демак, бунинг эвазига жисмоний шахсларнинг даромади 6,5 фоиз кўпаяди.

Бундан ташқари, солиққа тортиладиган мол-мулк бор юридик шахслар учун амалдаги 5 фоиз солиқ ставкаси 2 фоизга туширилиб, фақат кўчмас мулк солиққа тортилиши белгиланди. Энг асосийси, корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи бюджетдан ташқари давлат мақсади жамғармаларига 3,2 фоизли айланма маблағлардан ун-

дириладиган солиқ тўловини тўламайдиган бўлиши.

Шу ўринда “Солиқ юкининг кескин қисқартирилиши Давлат бюджетига таъсир кўрсатмайдими?” деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Чиндан ҳам, бюджет ниманинг ҳисобидан қопланади? Президентимиз ташаббуси билан тадбиркорлик субъектлари, инвесторлар учун яратилаётган шарт-шароитлар туфайли бизнес жараёнининг фаоллашуви ҳамда солиқ маъмуриятчилигининг такомиллаштирилаётганини ҳисобидан амалга оширилади. Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича рубёбга чиқарилаётган лойиҳаларнинг ҳам бунда ҳиссаси катта бўлади.

Жамшид ЎРОКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари:

— Солиқ тизимидаги ўзгаришлар, тақдим этилаётган енгилликлар бизнес вакилларини беҳад қувонтирмоқда, аҳолида ишбилармонликка бўлган қизиқишни кучайтирмоқда. Республикамизда 2018 йилнинг 10 ойи мобайнида тадбиркорлик субъектлари сони 42 мингтага ошгани ана шундай

янгиланишлар самараси, албатта. Бунда солиқ концепцияси қаторида давлатимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар, хусусан, “Хар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажакимиз”, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” каби дастурлар соҳа ривожига хизмат қияпти.



Исламбек КҮТБИДДИНОВ,
Наманган шаҳридаги “Imron textile group” хусусий корхонаси раҳбари:



— Солиқ сиёсатини такомиллаштириш, хусусан, белгиланган ставкаларнинг мунтазам қамайти-

риб борилиши бизнес соҳаси ривожига ўз таъсирини ўтказётгани бизнинг корхонамиз фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, шундан фойдаланиб, жорий йилнинг ўн бир ойида 100 миллион сўмликдан зиёд маблағни тежаб қолдик. У 80 кишилик жамоамиз билан келишган ҳолда, фаолият йўналишимиз — трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни

кенгайтириш борасидаги лойиҳа ижросига йўналтирилди. Ушбу лойиҳа ниҳоясига етиши билан қувватлар икки баравар оради. Ишловчилар сони эса 300 кишига етади. Умуман олганда, солиқ юкининг босқинча-босқинча енгиллаштирилиши тадбиркорлик субъектларига катта мадад бўлаётди. Бир неча йилдан бунён экспорт амалиётларида фаол иштирок этаётганимиз нати-

жасида бу борадаги имтиёزلар ҳам фаолиятимизда қўл келаяпти. Пировадига йил бошидан бунён 400 минг АҚШ долларидан зиёд ташқи савдо амалларини бажардик. Қабул қилинган Солиқ концепцияси бизнес ҳам-жамиятини янада руҳлантириши турган гап. Чунки унда белгиланган енгилликлар тадбиркорлик субъектларининг молиявий аҳволини мустақкамлаши билан муҳим аҳамият касб этади.

ВАТАН — МУҚАДДАС УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАРАФЛИ БУРЧДИР!



1

Хўш, улар нима беради? Бундай рейтинглар, аввало, ўша давлатнинг ҳалқаро майдондаги имиджини ифодалайди. Қолаверса, инвестициялар оқимини, ҳамкорликка бўлган интилишни, сайёҳлар қизиқишини куचाйтиради. Бошқача айтганда, одамларнинг бирор-бир мамлакат ҳақидаги тасаввурини бойитишда бундай рўйхатларнинг таъсири катта.

Қувонарлиси, Ўзбекистон сўнгги вақтларда жуда кўп соҳалар бўйича ана шундай рейтинглардаги позициясини тобора яхшилаб бормокда. Фикримизга мудофаа соҳасига оид айрим мисолларни асос қилиб келтирсак. Утган йили “Global Figerower” таҳлил компанияси томонидан тузилган дунёнинг энг kuchли армияларга рейтингни (Military Strength Ranking)да мамлакатимиз 48-ўринини эгаллаган эди. Жорий йилда эса ушбу рўйхатда давлатимиз 39-ўринга кўтарилиди. Яъни 9 поғона ўсиш кузатилади. Рейтингни шакллантиришда 136 мамлакат куролли кучларига 50 дан ортиқ, хусусан, қуруқликдаги ва денгиздаги

дофаа вазирлиги масъул ходими Темур Нарзиев — Янгиланишлар жараёнида мамлакатимиз тараққиётининг “йўл харитаси”га айланган Ҳаракатлар стратегияси мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётир. Жумладан, унинг асосида ўтган вақт мобайнида соҳага дахлдор 46 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ҳарбий қисмларнинг тузилмалари тўлиқ янгиланди. Самарасиз ва бири-бирини тақроқлайдиган ҳарбий қисмлар қисқартирилди. Озик-овқат билан таъминлашда аутсорсинг тизими жорий этилди.

Армия ҳамда халқ билригини таъминлаш мақсадида барча ҳудудда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил қилинди ва улар самарали фаолият юритмокда. Шунингдек, соҳага ихтисослаштирилган корхоналарни бирлаштирадиган Мудофаа саноати бўйича давлат кўмитаси ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва соҳа фахрийларини ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмокда.

Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон армиясида кузатилмаган яна бир муҳим воқеа хусусида ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Маълумки, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев қўрсатмасига биноан, Мудофаа вазирлиги қўшнларнинг жанговар тайёр-гарлигини текшириш учун жорий йил 26 ноябрь эрта тонгда қўшнлар “Тревога!” сигнали билан юқори жанговар шайлик ҳолатига келтирилди. Тўсатдан бундай текширув ўтказилишдан мақсад — жорий йил давомида Мудофаа вазирлиги қўшнлари ва бошқарув органларида амалга оширилган ишларни баҳолаш ҳамда тах-

лил қилишдан иборат эди. Юқори даражадаги жанговар шайликка келтирилган бўлинмаларнинг эҳтимолий хавфни қайтаришга доир махсус-тактик машқлари Чирчиқ дала ўқув майдонида ҳам ўтказилди ва давлатимиз раҳбари 28 ноябрда ана шу жараёнларни кузатди. Президентимиз ўша кунни Қуролли Кучлар академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида эришилган натижаларни эътироф этган ҳолда, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб, ислохотларни изчил давом эттириш бўйича топшириқлар берди. Улар ижросини таъминлаш юзасидан саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир.

— Хадемай, Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунни мамлакатимизда кенг нишонланади, — дейди Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғи Акмал Ортиқов. — Бу байрамнинг ҳаётиятида тутган ўрни нихоятда катта. Чунки миллий армиямиз юртимиз мустақиллиғи ва ҳудудий яхлитлиғи, барқарор ривожланиши ҳамда халқимиз тинчлигининг ишончли кафолатидир. Шундай экан, тантаналарни кўтаринчи руҳда, юксак савияда ўтказиш жуда муҳим вазифадир. Бу борада жорий йил 13 декабрда давлатимиз раҳбари алоҳида фармойиш имзолади. Унга асосан, 2018 йил 15 декабрдан 2019 йил 15 январга қадар ватанпарварлик ойлигини ўтказиш бўйича тадбирлар Дастур қабул қилинди. Байрам тадбирларини “Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” деган умумий ғоя остида ташкиллаштириш белгиланди. Мазкур жараёнларга кенг аҳоли қатламлари, айнқисса, ёшларни жалб қилиш кўзда тутилган. Масалан, давлат ва жамоат ташкилотларининг

раҳбарлари томонидан ўзлари тахсил олган олий таълим муассасалари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларида “Мардлик ва жасорат” мавзусидаги дарслар ўтказилади. Бундай мулоқотлар ёшларда ҳарбий хизматга бўлган қизиқишни орттириши, шубҳасиз.

Давлат мукофоти билан тақдирланганлар, “Энг илғор сержант”, “Энг илғор ғуруҳ командири”, “Энг илғор вазвод командири”, “Энг илғор батальон командири”, “Энг илғор бригада командири”, “Энг илғор қўшилма”, “Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси” ва “Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси” номинациялари бўйича ўз касбининг устаси унвонига ўтказилган республика танлови ғолиблари ҳамда жанговар-хизмат фаолиятида юқори натижаларни қўлга киритган ҳарбий хизматчиларни қўтлаш бўйича тантанали тадбирлар ташкил қилинади. Қолаверса, ҳарбий ватанпарварлик йўналишида энг яхши маҳалла, энг яхши “Жасорат” клуби, энг яхши ҳарбий қисмнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ва энг яхши бошланғич қақирғува қадар тайёргарлик ўқитувчиси танловларининг ўтказилиши ҳамда ғолибларнинг рағбатлантирилиши режалаштирилган.

Тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида аҳамият қаратилади.

Дастурдан яна бир қанча амалий чора-тадбирлар ўрин олган бўлиб, буларнинг барчаси аҳолида миллий армиямиздан фахрланиш ва унга бўлган ишонч ҳиссини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



маслаҳат

Қон босими ошганда...

Аввало, асабийлашманг. Спиртли ичимликлар, ҳайвон ёғи (мол чарвиси), шакар, маргарин, ёғли сут маҳсулотлари, жигар, дудланган маҳсулотларни тановул қилмаганингиз маъқул. Бироқ мевалар, қора нон, ловия, нўхот, соя, қунабоқар ёғи, гуруч, денгиз маҳсулотлари, қатиқ, айрон, мева шарбатлари истеъмоли мумкин. Шўр, жуда ширин нарсаларни таомномангиздан чиқариб ташлаганингиз яхши.

Шунингдек, кунлик режимга риоя қилинг. Яъни уйқуга ётишдан камида 2-3 соат олдин овқатланманг. Кишининг асабига тегадиган кўрсатувлар, кўрқинчли киноларни кўрмаганингиз маъқул. Илоҳи бўлса, уйқудан олдин қўчада, тоза ҳавода бир оз сайр этинг, кейин илиқ ванна қабул қилинг. Тунда мириқиб ухланг. Эрталаб эса ҳушқақчақ бўлиб туринг, токи кун давомида ана шундай кайфиятда юрасиз. Тонгда бир стакан илиқ сув ичсангиз фойдадан холи бўлмайди. Ва энг муҳими, ҳар кун эрталаб жисмоний тарбия билан шуғулланинг, 5 — 7 километр пиёда юринг.

Анжир ва зайтун — кони фойда



Кўпчилигимиз анжир ва зайтунни қўшиб истеъмоли қилишининг фойдаларидан беҳабармиз. Агар улар бўғилишда тановул қилинса, қандаги холестерин микдорини камайтиради, аёлларнинг фарзандли бўлиш имконини оширади, инсон жисминини ёшартириш ва чирой бағишлашга ёрдам беради, қариллик аломатларини йўқотади, иш қобилиятини оширади, танга қувват бағишлайди, юракни қувватлантиради ҳамда руҳий хасталикларга қарши курашади.

Олимлар айнан анжир ва зайтун “methalonids”, деб номланган моддага бой эканлигини кашф этганлар. У инсон организмда 15 ёшдан 35 ёшгача фаол ахтариб чиқади. 40 ёшдан кейин бу модда секретцияси камаюди.

Япон олимлари анжирда мавжуд бўлган “methalonids” моддасининг таъсири факат зайтун билан аралашгандагина фаол бўлишини аниқлаганлар. Энг яхши таъсир даражаси 1 дона анжир, 7 дона зайтун билан истеъмоли қилинганда ундаги моддаларнинг таъсир даражаси тенг бўлиши исботланган.

Шамоллашдан ҳимояловчи маҳсулотлар

Ўлкамизда қиш. Табиийки, кишиларда иқлим ўзгариши билан боғлиқ хасталиклар ҳам кўзатилади. Яйниқса, шамоллаш ёшу кексаларга бирдек таъсир ўтказиши мумкин.

Хўш, бундай пайтда касалликдан форм бўлиш учун нималарга эътибор бериш лозим? Халқ табобатида синалган бир қатор усуллар борки, буларни билиш сиз учун фойдадан холи эмас.

Шамоллаганда, саримсоқпёзнинг бир бўлагини чинаш ёки бўлакчаларга бўлиб ейиш тавсия этилади. У оғиз бўшлиғи ҳамда ичакларни бактериялардан тозалайди. Қизил бўлғор қалампирни эса иммунитетни мустаҳкамлайди. Брокколи А, С, Е витаминлар манбаи бўлиб, иммун тизимини фаоллаштиради. Назматак яллиғланишга ва инфекцияларга қарши курашиш хусусиятига эга. Шунингдек, асал, сабзи, йогурт ва кефир, кўпроқ қайнатиб сал совитилган сувни ичиш ҳам дарддан тезроқ халос бўлишга ёрдам беради.

Интернет материаллари асосида
Ниятжон РАСУЛОВА
тайёрлади.

Хабар

Танлов

Пойтахтимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Ёш китобхон” республика кўрик-танлови кўтаринчи руҳда ўтказилди.

ЯНА БИР ЁШ КИТОБХОНГА «SPARK» БЕРИЛДИ

Уч ёш тоифасида ташкил этилган беллашувнинг 20 — 30 ёшлар ўртасидаги босқичи қизгин ва баҳс-мунозараларга бой бўлди. 14 нафар қатнашчи “Ўзбек адабиёти билимдони”, “Жаҳон адабиёти билимдони”, “Буюк мутафаккир ва адиб”, “Шеърят” йўналишларида билим ҳамда салоҳиятларини намоён этдилар.

Ҳақамлар ҳайъати иштирокчиларни баҳолашда уларнинг белгиланган китобларни ўқиганлиги, асарнинг мазмун-моҳиятини қанчалик тушунгани ва уни таҳлил қилиб бера олиш қобилиятига алоҳида эътибор қаратди.

Натижаларга кўра, Низомий номидagi Тошкент давлат педагогика университетининг 3-босқич талабаси, пойтахтлик Шоҳсанам Холбоева 327,2 балл билан “Ёш китобхон” танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритиб, Президент совғаси — “Spark” автомобили ва “Kitob olami” дўконига уч ойлик харид учун 20 фоиз чегирмага сазовор бўлди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 6 ОКТЯБРДАН 12 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 26 сентябрдаги 5-мб-сон “Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомнинг 1-бандига ўзгариштириш қилиш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2479-1. (2018 йил 9 октябрдан қучга кирди).
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 31 августдаги 01-02/12-59-сон “Чет эл товарларини ташвиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни амалга ошириш билан реал вақт режимидан интер-актив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида хусоба олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2823-1. (2019 йил 10 январдан қучга кирди).
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сон “Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи хисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларига ўзгариштириллар киритиш ҳақида”ги буйруғи.
2018 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди,

рўйхат рақами 2945-1. (2018 йил 10 октябрдан қучга кирди).
3. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 24 сентябрдаги 243-сон “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи.
2018 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3060-1. (2018 йил 10 октябрдан қучга кирди).
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 18-2018, 22-к/к, 122-сон “Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдэмчи ходимларининг намунавий шартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга ўзгариштириллар киритиш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2859-1. (2018 йил 11 октябрдан қучга кирди).
7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги 129, 2018-73-сон “Республика истеъмоличиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада сотишдан тушадиган Маҳбурий икоро бюросини ривожлантириш жамаиасини шакллантириш мабсаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2902-1. (2018 йил 12 октябрдан қучга кирди).
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 15 августдаги 2018-65-сон “Қўммас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисоба

қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3077. (2019 йил 1 январдан қучга кирди).
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 сентябрдаги 29/8-сон “Очқч валюта мақсдини юритиш қондаларига ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.
2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1497-3. (2018 йил 12 октябрдан қучга кирди).
II. Давлат реестридан чиқарилди:
1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчлар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юртимизда аниқлаш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2720, 2018 йил 19 октябрь).
Адлия вазирлигининг 2018 йил 8 октябрдаги 482-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.
2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг “Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан, интернет хизматларини кўрсатиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1417, 2004 йл 5 октябрь), шунингдек, унга ўзгариштириллар (рўйхат рақами 1417-1, 2013 йил 22 май), (рўйхат рақами 1417-2, 2015 йил 25 май).
Адлия вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 362-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.
Мазкур ҳужжатлар қончилиқка ўзгариштириш қилинилиши ва ёқис янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

дан Афғонистон Олий таълим вазирлигига 25 та автобус тақдим этилгани фикримиз далилидир.

Сурхондарё вилоятида афғонистонлик инвесторлар иштирокида 90 дан ортиқ қўшма корхоналар самарали фаолият юритяпти. Жорий йилда Сурхондарёдан қўшни давлатга 33,5 миллион долларлик 37,7 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинди. Янги барпо этилаётган “Термиз” эркин иқтисодий зонаси бу борадаги имкониятлар салмонини оширади.

Мулоқот чоғида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФАТ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ТАШАББУСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Хелена ФРЕЙЗЕР,
БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили:



— “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлар томонидан бир овоздан қабул қилиниши жуда муҳим аҳамиятга эга. Барча давлатлар Ўзбекистон томонидан илгари сурилган конструктив

таклиф, яъни дунёдаги мавжуд динларга мансуб маърифий бағрикенглик маданиятини кучайтиришга оид ғояни қўллаб-қувватлади. Чунки ушбу резолюция бағрикенглик билан бирга, маданий ва диний билимларни кучайтириш таъминлашнинг олға сурган ҳолда глобал тинчлик ва фаровонлик учун устувор йўналиш сифатида хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Агар 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясига назар ташласак, ундаги беш йўналишдан бирида миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик, ҳамжиҳатлик масалалари ўз ечимини топган. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ислохотларда ҳам бунга гувоҳ бўлиш мумкин. Шу билан бирга, Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йили БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этиб, ушбу масалаларга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратди. Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида бевосита диний ва маърифий бағрикенгликни тарғиб қилиш барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва тинчлик учун муҳим устувор йўналиш эканлигини таъкидлаб ўтди.

Бинобарин, Ўзбекистоннинг бу ташаббуси энди халқаро майдонда ҳам юксак эътироф этилди. Қабул қилинган резолюция бевосита дин ва фикр эркинлигини тарғиб этишга қарайди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистоннинг айнан ушбу масалаларда бой тарих ва таърибга эгалигидан далолат беради.

Ирфон Юсуф ШОМИЙ,
Покистон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги
Фавқуллода ва мухтор элчиси:



— БМТ Бош Ассамблеяси томонидан жорий йил 12 декабрь кунги махсус резолюциянинг қабул қилиниши Покистон томонидан тўлиқ маъқулланди. Унинг ҳаммуаллифлари қаторидан дунёнинг барча минтақасидан 51 давлат жой олгани диққатга сазовордир. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатга БМТга аъзо 193 та мамлакат вакиллари яқдиллик билан

овоз берди. Президент Шавкат Мирзиёев республикада резолюция учун асосга айланган виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, мазкур соҳани ривожлантириш учун эзгу саяё-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Ўйлашимча, барча давлатлар томонидан муроса йўли билан маъқулланган қабул қилинган ушбу ҳужжат БМТга аъзо мамлакатлардан Ўзбекистон раҳбари ташаббусига юксак баҳо берганини исботлайди. Зеро, унда диний бағрикенглик, халқ ва инсон ҳуқуқлари бирдамлигига урғу берилган. Мазкур резолюция жаҳондаги жамияти давлатлар учун аъло даражадаги қўлланма ҳужжатга айланиши мумкин, деб ҳисоблайман.

Яқинда Самарқандда инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми бўлиб ўтди. Унинг якуналарига кўра, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифаларни самарали ижро этиш истикболларига бағишланган ҳужжат қабул қилинди. Халқаро жамоатчилик, жумладан, умумий тарих, маданият ва дин бирлаштириб турадиган минтақа давлатлари мазкур ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

ВИКЕНТИЙ,
Тошкент ва Ўзбекистон
митрополити:



— Дунё жамоатчилиги Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилгани бежиз эмас. Чунки Ўзбекистонда кўп асрлар давомида тинчлик ва осойишталик муҳити қарор топган. Ўзбекистонни бағрикенглик бешиги, деб аташ мумкин. Мазкур резолюция худди Ўзбекистондаги каби дунё халқлари тинч-тотув, дўстона ҳаёт кечирсин деган, эзгу ғояни тарғиб қилади.

Биз турли миллат ва конфессиялар вакиллари Президент томонидан ҳар бир ташаббусимизнинг қўллаб-қувватланиши ҳамда эҳтиёжларимизга кўмакни доимо ҳис қилиб турибмиз. Бундай эътибор ва ҳурматдан жуда миннатдормиз.



Татьяна КЛЕМЕНОВА,
Баҳой диний жамоатчилигининг Ўзбекистондаги вакили:

— Ўтган қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси тарихида иккита аҳамиятли воқеа рўй берди. Биринчиси, АҚШ Давлат департаменти мамлакатни диний эркинлик бўйича қонун бузилишлари муносабати билан тузилган “алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар” рўйхатидан чиқарди. Иккинчиси, БМТ Бош Ассам-



Амани ЭЛЕТР,
Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва
мухтор элчиси:

— БМТ Бош Ассамблеясида жуда муҳим ҳужжат тасдиқланди. Миср томони Ўзбекистон раҳбари ташаббусига тўлиқ қўшилди. Мамлакатларимиз давлатда, унинг изчил равнақ топишида диний бағрикенглик аҳамиятини тушунади. Резолюциядаги эътиборли жиҳатлардан бири таълимдир. У эрта ёшдан бошлангани муҳим аҳамиятга эга. Фақат шу йўл билан ўсиб келаётган авлодда бошқа миллат, турли дин ёки этникод вакилларига нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш, одамларнинг дунёқарашини кенгайтириш мумкин. Билимсизлик эса кўркунни тугдиради.

Мисрда ҳам, Ўзбекистондаги каби турли динларга эътиқод қилувчилар яшайди. Масалан, бизда эътиқод эгаларининг ўн фоизини христиандар ташкил этади. Мамлакатимизда диний

урф-одатларни амалга ошириш учун шароитлар яратиб берилган, виждон эркинлиги таъминланган. Бу эса жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни сақлашнинг зарур омилга айланмоқда. Махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббуси Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилди. Ўзбекистон раҳбари халқаро ҳамжамият олдида турган таҳдидлар, хатарлар ва муаммоларни теран ҳис этади. Диний бағрикенглик муҳим эканлигига етарлича баҳо бермаслик эса дунёнинг турли нуқталарида қарама-қаршиликларга, йўқотишларга олиб келади. Маданиятлараро мулоқот кўплаб муаммоларнинг олдини олиш, беғуноҳ инсонларни ҳимоя қилиш имконини беради. Ушбу жараёнда оммавий ахборот воситалари тинчлик ва бағрикенгликнинг асосий тарғиботчиларидан би-

Владимир НОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва
минтақалараро тадқиқотлар институти директори:



— БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг қабул қилиниши ниҳосига етётган 2018 йилнинг унутилмас воқеаси бўлди. У мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда миллатлараро ва диний бағрикенгликни ҳамда диний эркинликни таъминлаш борасида узоқни кўзлаб олиб борилаётган изчил чора-тадбирларнинг дунё ҳамжамияти томонидан таъминлашга эришилган ёрдамидир.

Дастлаб бу резолюцияни қабул қилиш таклифи давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилди. Президентимиз ушбу ташкилотнинг олий минбаридан сессия қатнашчиларига “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан чиққан эди. Бундан ташқари, ушбу муҳим халқаро

ҳужжатда диний бағрикенгликнинг таъминланиши умумий тинчлик, ижтимоий адолат, дўстлик, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, саводсизлик ва жаҳолатнинг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланган.

Шу билан бирга, бугунги кунда ёшлар радикаллашуви муаммоси энг хавфли ва кескин масалалардан биридир. Экспертларнинг фикрича, бугунги кунда диний-экстремистик ташкилотлар сафида дунёдаги ёш авлоднинг 18 ёшга етмаган тахминан 300 мингга яқин вакиллари мавжуд.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда терроризм ва экстремизмга қарши кураш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масаласидаги ёндашувлар концептуал жиҳатдан қўриб чиқилди.

Шуларни назарда тутган ҳолда, асосий эътибор ҳуқуқий маданиятни ошириш, диний маърифатни кучайтириш орқали инсонлар “онгини забт этиш” масаласига қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистондаги миллат ва динлараро тотувлик, дўстлик ҳамда бағрикенглик муҳити ёш авлодни соғлом ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда, қолаверса, Ватанимиз обрў-эътиборини халқаро майдонда янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

V. Хавфсизлик,
миллатлараро тотувлик ва
диний бағрикенгликни
таъминлаш ҳамда чуқур
ўйланган, ўзаро манфаатли
ва амалий ташқи сиёсат



рига айланиши мумкин. Резолюцияда халқлар ўртасидаги ҳамкорликни таъмин, фан, маданият воситасида кенгайтириш йўли билан ҳамжиҳатлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашда ЮНЕСКОнинг ҳал қилувчи роли тан олинади. У тўғрисида йўналишдаги кадам, сайёраимизнинг турли нуқталарида тинчлик ва осойишталикка эришиш учун тўлақонли мулоқотни таъминлаш имконини яратади, деб ўйлайман.

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси вице-президенти:



— Давлатимиз раҳбари Ислам ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирларининг 43-сессиясида Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда пойтахтимизда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг махсус кафедрасини очиб бўйича ташаббусларни илгари сурган эди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш, хусусан, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказини яратиш борасида қатта ишлар олиб борилапти. “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясидаги бандлардан бири маърифат, динлараро ва конфессиялараро бағрикенглик билан боғлиқ бой маданий меросни ўрганиш ҳамда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳисобланади. Ўрта аср олимлари томонидан бебаҳо мерос қолдирилган. Резолюция мамлакатларини ана шуни ўрганишга қадради. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши Ўзбекистон раҳбарининг маърифат, динлараро ва конфессиялараро бағрикенглик бўйича ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланаётганининг ёрқин акссадосига айланди.

Содиқ ИМОМИ,
Тожикистоннинг
Ўзбекистондаги
Фавқуллода ва мухтор
элчиси:



— БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясининг қабул қилиниши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғидир. Ҳужжатни дунёнинг 50 дан ортқ давлатлари қўллаб-қувватлагани Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган ғоянинг долзарблигини кўрсатади.

Замонавий дунёда диний бағрикенгликсиз, ўзаро диний эркинликка ҳурматсиз, эътиқод эркинлигини таъминламасдан туриб юксалишга эришиш дарғумон. Чунончи ривожланаётган мамлакатларимиз жамиятда, бирдамлик, ҳусусан, диний бағрикенглик орқали ҳамжиҳатликни таъминлашга алоҳида эҳтиёж сезаяпти. Биз Ўзбекистон ҳаётининг деярли барча соҳасида изчил ислохотлар олиб борилаётгани, шу аснода ўзгаришларнинг аҳамияти ва амалга оширилиши борасида жамиятда яқдил фикр ҳукмронлик қилиши учун амалий ишлар қилинаётганига бевосита гувоҳимиз. Ўзбекистондаги тўб ижобий янгиланишларнинг муваффақиятлари замирида айнан шу жиҳатлар мужассамдир. Шу билан бирга, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик ва бунёдкорлик йўлидан қадам ташлаётган ҳар қандай давлат учун долзарб вазифадир.

Мосуд МАННАН,
Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги
Фавқуллода ва мухтор элчиси:



— “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюцияси 50 дан зиёд давлатлар, жумладан, Бангладеш ҳаммуаллифлигида қабул қилинди. Бизнинг мамлакат ҳаммаша тинчлик, ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик тарафдори бўлиб келган. Айнан шунинг учун ҳам Бангладеш Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусини қўллаб-қувватлагани ҳолда, Ўзбекистон раҳбарияти билан ҳамфикр эканлигини намойён этди. Республикада элчи сифатида фаолият юритаётган давримда давлат вакиллари томонидан турли дин ва эътиқод, миллат ҳамда элат вакилларининг сиқувга олиниши ҳолатлари ҳақида бирор марта ҳам эшитмаганман. Аксинча, улар тинч-тотув, дўст ва ҳамжиҳат бўлиб яшаётганига гувоҳиман. Бундай муҳит кўп жиҳатдан Ўзбекистон етакчисининг узоқни ўйлаб олиб бораётган ҳамда конструктив сиёсати шарофатидан юзага келди. Аҳолининг кўпчилик қисми ислом динига эътиқод қилади, бироқ бу одамларнинг ўзаро муносабатларига таъсир ўтказмайди. Бу нафақат қонунларда шундай белгилаб қўйилгани учун, балки Ўзбекистон халқига қадим-қадимдан хос бўлган ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, меҳмондўстлик фазилатлари туфайлидир. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан махсус резолюциянинг қабул қилиниши мазкур ижобий муносабатлар натижасидир. Ўзбекистон — тинч ва хавфсиз мамлакат, бу ерда турли эътиқод эгалари осойишта ҳамда фаровон ҳаёт кечирмоқда. Турли миллат ва элат вакиллари диний байрамлар — ҳоҳ у Пасха бўлсин, ҳоҳ Қўрбон ҳайти, биргаликда нишонлашади. Резолюция бирдамлик, инсонпарварлик, энг асосийси, тинчлик ҳамда дунёдаги барча халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аркадий ИСАХАРОВ,
Тошкент шаҳар яҳудийлар диний жамоаси раҳбари:



— Ўзбекистонда 130 дан ортқ миллатлар ва элатлар, 16 та конфессия вакиллари ўзаро тинч-тотув, аҳил бўлиб яшайди. Мамлакатда турли халқлар маданияти, тили, қадриятлари, анъаналарини асраб-авайлаш, диний маросим ва тадбирларни ўтказиш учун барча шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилган. Ҳаммамиз — бир оиламиз. Унинг номи буюк Ўзбекистондир. Ҳамма Ҳаракатлар стратегиясини рўёбга чиқариш учун бор куч-ғайратини сафарбар этаяпти. Ёшларни тарбиялаш, раҳм-шафқат, инсонийлик, бағрикенглик, ҳурмат-иззат, турли халқлар маданияти ва тарихи билан ўртоқлашиш каби энг яхши фазилатларини уларнинг онгига сингдириш дин пешволарининг муҳим вазифаларидан биридир. Ўғил-қизлар осойишта ва тинч ҳаёт шунчаки пайдо бўлмагани, бу миллионлаб одамларнинг, Президентимизнинг улкан меҳнати натижаси эканлигини билишлари шарт. Умумий эртанги кунимиз эса биргаликда қилган бугунги интилишларимизга боғлиқдир.

Ежи МАЦУЛЕВИЧ,
Ўзбекистондаги Рим-католик черкови епископи:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси замирида турли маданиятлар, халқлар ҳамда динлар вакиллари тинч-тотув ва ҳамжиҳат бўлиб яшаётган Ўзбекистон таърибига мужассам. Мазкур резолюция муйян мамлакатдаги бағрикенгликни таъминлашга эмас, балки бутун сайёраимиз аҳолисининг жаҳолатга қарши маърифат ғояси билан

яшашга ундайди. Ҳужжат минтақалараро ва глобал даражадаги ҳамкорликни йўлга қўйиш талаб қилади. Биз жаҳоннинг турли бурчакларида маданиятдаги фарқлар туфайли динлараро низолар қандай пайдо бўлаётганини кўряпмиз. Европа ва АҚШ тўқнаш келаётган миграция муаммолари, Афғонистон ва Суриядagi вазиятнинг ҳал этиш унинг илдизлари

каби чуқурроқдир. Ёшларни тарбиялаш, одамлар онгини ижобий маънода ўзгартириш Ўзбекистон етакчисининг муҳим мақсадидир. Маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни изчил олиб бориш, ёш авлодни тарбиялаш, дунёқараши кенгайтириш жамиятда бағрикенгликнинг мустаҳкамла-нишида муҳим ўрин тутди.



«Халқ сўзи» мухбирлари Омонулла ФАЙЗИЕВ, Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Набатчи — Р. Шеркулов.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6